

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

7-8-сон  
(247-248)  
2007 й.  
февраль

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонуналари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

## МУНДАРИЖА

### Иккинчи бўлим

60. «Германия тараққиёт банки ҳамда Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида «Тошкент (Тўқимачи) — Ангрен» темир йўл участкасини электрлашириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 февралдаги ПҚ-582-сон қарори
61. «Тошқинлар, сел оқимлари, қор кўчиш ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини тугатиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 февралдаги ПҚ-585-сон қарори
62. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаширишга ва терроризмни молиялаширишга қарши курашиб соҳасидаги айрим қонун ҳужжатларининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 февралдаги ПҚ-586-сон қарори

63. «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 февралдаги ПҚ-589-сон қарори

**Учинчи бўлим**

64. «Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари ва автомобилларга газ қўйиш станциялари шохобчаларини ривожлантириш ҳамда автотранспорт воситаларини суюлтирилган ва сикилган газга босқичма-босқич ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 февралдаги 30-сон қарори
65. «Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-куватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 16 февралдаги 34-сон қарори
66. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 16 февралдаги 35-сон қарори
67. «Литва Республикаси билан ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 16 февралдаги 36-сон қарори
68. «Микромолиявий хизматлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 февралдаги 37-сон қарори
69. «Республикада омихта ем ишлаб чиқариш саноатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 февралдаги 38-сон қарори
70. «2007 йил Пудрат қурилиш ишлари дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 21 февралдаги 40-сон қарори

**Бешинчи бўлим**

71. «Илмий-техника ҳамкорлиги бўйича халқаро ва хорижий ташкилотлар ва фонд ҳамда халқаро битимлар грантлари доирасида чет элдан келтирилган пул маблағлари ва ускуналарга хулосаларни бериш тартибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 30 январдаги 1, РА/12-06-14/10, 2007-10, 01/02/20-6-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 12 февралда 438-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

72. «Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиги ва ягона солик тўлови бўйича солик имтиёзларини кўллаш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 2007 йил 29 январдаги 15, 2007-12-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 12 февралда 1594-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
73. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларининг радиожоҳзларига Сертификат бериш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 11 январдаги 5-сон буйруги. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 12 февралда 1428-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
74. «Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларга акциз маркаларини кўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 8 январдаги 4, 2007-02, 01-02/8-2-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 13 февралда 589-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
75. «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини хисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 2007 йил 18 январдаги 6, 2007-07-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 19 февралда 1238-6-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
76. «Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган соликни хисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 2007 йил 31 январдаги 16, 2007-13-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 20 февралда 1110-6-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
77. «Айрим турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуфулланаётган юридик ва жисмоний шахслар учун қатъий белгиланган соликни хисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 2007 йил 29 январдаги 14, 2007-09-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 20 февралда 1218-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
78. «Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуфулла-наётган жисмоний шахсларнинг даромадидан қатъий белгиланган ҳажмларда олинадиган соликни хисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 2007 йил 29 январдаги 13, 2007-08-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 20 февралда 1230-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

+

-

79. «Иккиламчи бозорда эркин конвертация қилинадиган валютада амалга ошириладиган қимматли қофозлар билан битишувларга ҳисоб-китоб-клиринг хизмати кўрсатиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил 29 декабрдаги 2006-17, 5, 283-В-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 22 февралда 1658-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
80. «Электр ускуналарини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникиси қоидалирига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2007 йил 2 февралдаги 30, М-22-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 22 февралда 1614-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
81. «Норматив-хуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2007 йил 22 февралдаги 35-мх-сон бўйрги. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 22 февралда 1284-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2007 йил 10 февралдан 23 февралгacha бўлган маълумот

—

+

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **60 Германия тараққиёт банки ҳамда Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида «Тошкент (Тўқимачи) — Ангрен» темир йўл участкасини электрлаштириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Темир йўл тармоқларини ривожлантириш, ўловчи ва юк ташиш самарадорлигини ошириш, темир йўл транспортида электрлаштириш ва замонавий технологияларни татбиқ этиш ҳисобига сифатли хизматлар кўрсатилишини тъминлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

а) «Тошкент (Тўқимачи) — Ангрен» темир йўл участкасини электрлаштириш» инвестиция лойиҳасини (бундан кейин матнда — лойиҳа деб юритилади) амалга ошириш учун Германия ҳукуматининг Германия тараққиёт банки (бундан кейин матнда — КФВ деб юритилади) орқали ҳамда Кувайт ҳукуматининг Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси (бундан кейин матнда — КАИТЖ деб юритилади) орқали узок муддатли имтиёзли кредитлари жалб этилди ва қурилишнинг умумий қиймати 79,395 млн. АҚШ доллари эквивалентига тенг миқдорда белгиланди, шундан:

24,999 млн. евро (эквиваленти 31,25 млн. АҚШ доллари) — лойиҳада назарда тутилган ишларни бажариш учун ускуналар ва материаллар харид қилишга ўн йиллик имтиёзли муддатни ҳисобга олган ҳолда 40 йил муддатга, йилига 0,75 фоизли ставка бўйича берилган КФВ ссудаси (бундан кейин матнда — ссуда деб юритилади) хисобидан;

6,2 млн. кувайт динори (эквиваленти 20,122 млн. АҚШ доллари) — лойиҳада назарда тутилган ишларни бажариш учун сигнализация ва телекоммуникация тизимлари, рельслар, кўпприк конструкцияларининг темир деталларини харид қилишга тўрт йиллик имтиёзли муддатни ҳисобга олган ҳолда 18 йил муддатга, йилига 2,5 фоизли ставка бўйича берилган КАИТЖ қарзи (бундан кейин матнда — қарз) хисобидан;

28,023 млн. АҚШ доллари — «Ўзбекистон темир йўллари» ДАКнинг шахсий маблағлари ҳисобидан.

б) ускуналарга профилактик хизмат кўрсатишни яхшилаш ва лойиҳани амалга оширишда қатнашаётган маҳаллий ходимлар малакасини оширишни молиялаштириш учун КФВ томонидан беғараз асосда 0,3 млн. Евро миқдорида грант берилди;

в) «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК «DE-Consult» (Германия) консалтинг компанияси билан биргаликда лойиҳа доирасида материаллар ва ускуналар харид қилишга танлов савдолари ўтказиш учун хужжатлар ишлаб чиқилди, уларнинг натижаларига кўра белгиланган тартибда лойиҳанинг узил-кесил ТИАлари ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

2. Қўйидагилар:

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

лойихани молиялаштириш режаси 1-иловага\* мувофиқ;  
ссуда ва қарзни тўлаш прогноз жадваллари 2 ва 2а-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

КФВ ссудаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Ўзбекистон Республикаси номидан ссуда олувчи хисобланади;

КАИТЖ қарзи бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси номидан қарз олувчи хисобланади;

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАК қарз, ссуда ва грант маблағларидан мақсадли ҳамда самарали фойдаланиш, шунингдек лойихани самарали амалга ошириш учун масъуль ижро этувчи агентлик хисобланади;

«Ўзбекэнерго» ДАК лойиха доирасида ташқи электр таъминоти обьектларини қуриш бўйича ижро этувчи агентлик хисобланади. Бунда ташқи электр таъминоти обьектлари қурилишини молиялаштириш «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК томонидан шахсий ва ссуда маблағлари хисобидан амалга оширилади;

ссуда ва қарзга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ асосий қарзни узиш, фоизлар, комиссиялар ва харажатларни тўлаш «Ўзбекистон темир йўллари» ДАКнинг шахсий маблағлари хисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазири КАИТЖ қарз маблағларини қайта кредитлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси билан «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК ўртасидаги битимни имзолашга вакил этиб тайинлансан.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси билан КАИТЖ ўртасидаги қарз битими бўйича белгиланган тартибда юридик хулоса берсин.

6. Лойихани амалга ошириш доирасида «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК ва «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан қарз, ссуда ҳамда грант маблағлари хисобидан сотиб олинадиган товарлар, ишлар ва хизматлар, шунингдек «Ўзбекистон темир йўллари» ДАКнинг шахсий маблағлари хисобидан сотиб олинадиган монтаж дрезинаси (ТН ТИФ коди 860400000) божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йифимларидан ташқари) тўлашдан озод этилсан.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги «Ўзбекистон темир йўллари» ДАКнинг талабномаларига кўра лойихани амалга оширишда иштирок этаётган хорижий мутахассисларнинг кириш визалари 2010 йилгача консуллик йифими ва бошқа йифимлар ундириб олинмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Ўзбекистон темир йўллари» ДАКнинг талабномаларига кўра лойихани амалга оширишда иштирок этаётган хорижий мутахассисларга кўп марталик визалар бериш ва уларнинг муддатини узайтириш, шунингдек вақтинча рўйхатда туриш ва унинг муддатини узайтиришини таъминласин ҳамда улар давлат божи ва йифимлар тўлашдан озод қилинсан.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Н.М. Ханов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш,  
2007 йил 19 февраль,  
ПҚ-582-сон

\* 1, 2, 2а-иловалар берилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## **61 Тошқинлар, сел оқимлари, кор кўчиш ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини тугатиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида**

Тошқинлар, сел оқимлари, кор кўчиш ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан ахоли ва худудларни ҳимоя қилиш бўйича ишларни ўз вақтида ва самарали ташкил этиш, шунингдек уларнинг эҳтимол тутилган оқибатларини тезкорлик билан тугатиш мақсадида:

1. Куйидагилар:

Хавфли гидрометеорология ва геология ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш бўйича ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага\* мувофиқ;

тошқин сувлари ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юборишни таъминлаш, кор кўчиш ва ер кўчки ҳодисалари хавфни камайтириш бўйича Хукумат комиссияси (кейинги ўринларда — Тошқинга қарши хукумат комиссияси деб юритилади) таркиби 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги зиммасига Тошқинга қарши хукумат комиссиясининг ишини ташкилий-техникавий жиҳатдан таъминлаш вазифаси юклатилсан.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси (Ш. Мирзиёев):

хар йилнинг 1 марта гача тасдиқланган Низомга мувофиқ Ўзбекисдон Республикаси Президенти девонига тошқинлар, сел оқимлари, кор кўчиш ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан ахоли ва худудларни ҳимоя қилиш бўйича ўтказилаётган ишлар ҳамда вужудга келиши мумкин бўлган оқибатларни тугатишга мавжуд куч ва воситаларнинг тайёрлиги тўғрисида хисобот бериб борсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида, вазирликлар ва идораларда гидрометеорологик ва геологик хавф-хатар билан боғлиқ бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларнинг келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларини тезкорлик билан тугатиш бўйича ишларнинг олиб борилиши устидан доимий назорат ўрнатсан.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахоли ва худудларни сел-тошқин ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 9 февралдаги ПҚ-279-сонли қарори ўз кучини ўйқотган деб ҳисоблансан.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазари Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 19 февраль,  
ПҚ-585-сон

\* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

\*\* 2-илова берилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**62 Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиб соҳасидаги айрим қонун ҳужжатларининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимида ишончини мустахкамлашга оид кейинги чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 12 январдаги ПҚ-565-сонли қарорига мувофиқ:

1. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиб соҳасидаги айрим қонун ҳужжатларининг амал қилиши иловага\* мувофиқ 2013 йилнинг 1 январига қадар тўхтатиб турилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бир хафта муддатда мазкур қарор иловаларида кўрсатилган қонун ҳужжатларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туришдан келиб чиқсан ҳолда идоравий норматив ҳужжатларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиб департamenti марказий аппарати, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари таркиби тузилмалари тўғрисидаги низомларга тегишли ўзгаришиш ва қўшимчалар киритсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

+

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 20 февраль,  
ПҚ-586-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**63 Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида», «Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, телекоммуникациялар соҳасида бошқарув тизими самарадорлигини ошириш, фавқулодда вазиятларда телекоммуникация

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ресурслари ва тармоқларининг ишончли фаолиятини, улардан марказлашган ҳолда фойдаланиши таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Телекоммуникация ресурслари ва тармоқларини бошқариш тизими тўғрисидаги низом (бундан кейин матнда Телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш тизими деб юритилади) 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш тизими кундак шароитлар ва фавқулодда вазиятларда телекоммуникация вазифаларини ўз вақтида ва самарали ҳал этишга мўлжалланган ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги телекоммуникациялари тармоқларини бошқариш тизимини, шунингдек идоравий мансублигидан қатъи назар, телекоммуникация операторларини ўз ичига олади (телекоммуникация хизматларининг маҳсус истеъмолчилари — Мудофаа вазирлиги, ИИВ, ФВВ, МХХ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги МҲА тармоқлари бундан мустасно).

2. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги телекоммуникациялар тармоғининг давлат томонидан бошқарилишини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Телекоммуникация тармоқларини бошқариш тизимининг шакллантирилиши ва самарали фаолият юритишини таъминлайдиган маҳсус ваколатли орган этиб тайинлансан.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги:

кундаклик шароитларда — телекоммуникациялар соҳасида ягона техник сиёсатни олиб боради; телекоммуникация ресурслари ва тармоқларини ривожлантириш масалалари бўйича давлат бошқаруви органлари, Телекоммуникация тармоқларини бошқариш тизимига кирувчи операторлар ва провайдерлар фаолиятининг мувофиқлаштирилишини таъминлайди; уларнинг техник ҳолати ва фавқулодда вазиятлардаги ишларга тайёрлигини назорат қиласди;

фавқулодда вазиятларда — идоравий мансублигидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация ресурслари ва тармоқларидан устувор даражада фойдаланиш ва уларни марказлашган ҳолда бошқариш ҳуқуки берилади (маҳсус истеъмолчиларнинг тармоқлари ва воситалари бундан мустасно); мамлакат хавфизлигини таъминлаш манфаатлари йўлида уларнинг барқарор ишларини ҳамда улардан самарали фойдаланишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларини марказлаштирилган бошқариш режимига ўтказиш, шунингдек фавқулодда вазиятларда улардан фойдаланиши тўхтатиб туриш ёки чеклаш тўғрисида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан конун ҳужжатларида белгилангандар тартибда қарор қабул қилинади.

3. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига бевосита бўйсунадиган Телекоммуникация тармоқларини бошқариш Республика маркази Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг телекоммуникация тармоқлари ва ресурсларини бошқариш масалалари бўйича ишчи органи этиб белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки, Телекоммуникация тармоқларини бошқариш Республика маркази:

Ўзбекистон Республикаси Телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш тизимига кирувчи операторлар тармоқлари ва ресурсларининг самарали фаолият юритиши ва улардан оқилона фойдаланиш, зарур ҳолларда мамлакат манфаатлари йўлида, фавқулодда вазиятларда улардан марказлашган ҳолда фойдаланишини таъминлаш ишларини мувофиқлаштиришни амалга оширади;

\* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

чет мамлакатларнинг телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш марказлари билан ўзаро ҳамкорликда Ўзбекистон телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш миллий маркази вазифасини бажаради.

Ўзбекистон телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш Республика маркази тўғрисидаги низом 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

4. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати билан биргаликда 2007 йил 1 июнгача бўлган муддатда телекоммуникациялар тармоқлари ва ресурсларини марказлашган ҳолда бошқариш, фавқулодда вазиятларда уларнинг фаолиятини чеклаш ёки тўхтатиб туришни жорий этиш тартибини, шунингдек мамлакат хавфсизлиги манбаатлари йўлида фойдаланиш учун Ўзбекистон телекоммуникациялари тармоқлари ва ресурсларини тайёрлаш ҳамда бериб қўйиш тартибини белгиловчи норматив-хукуқий хужжатларнинг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

5. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги:

уч ой муддатда телекоммуникация операторлари билан тузилган лицензия битимларига кундалик шароитларда телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш бўйича операторлар фаолиятининг мувофиқлаштирилишини таъминлаш, шунингдек фавқулодда вазиятларда телекоммуникациялар тармоқларини марказлашган ҳолда бошқариш борасида мазкур қарор талабларидан келиб чиқадиган ўзгартишлар киритилишини таъминласин;

— +  
2007 йил 1 сентябргача бўлган муддатда тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда идоравий телекоммуникация тармоқларини бошқариш тизимларини ташкил этиш ва модернизация қилиш дастурини кейинчалик Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш ягона тизимига улаш учун белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2008 йилнинг 1 марта гача телекоммуникация операторлари маблағларини жалб этиш йўли билан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини автоматлаштирилган бошқариш тизимини унга операторларнинг телекоммуникация тармоқларини бошқариш тизимларини улаган ҳолда ташкил этсин ва ишга туширисин (махсус истеъмолчиларнинг тармоқлари бундан мустасно).

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда норматив-хукуқий хужжатларга ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрласин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 20 февраль,  
ПҚ-589-сон

\* 2-илова рус тилидаги матнда берилган.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг  
ҚАРОРИ

### **64      Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари ва автомобилларга газ қуиши станция- лари шохобчаларини ривожлантириш ҳамда автотранспорт во- ситаларини суюлтирилган ва сиқилган газга босқичма-босқич ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Мустақиллик йилларида республикада ички бозорни ёқилғи-энергетика ресурслари билан таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилди. Нефть, газ ва газ конденсатини қайта ишлаш таъминланмоқда, суюлтирилган газ ишлаб чиқариш кўпаймоқда. Автотранспорт воситаларининг бир қисмини суюлтирилган ва сиқилган газга ўтказиш комплекс чора-тадбирлари амалга оширилди ҳамда уларга хизмат кўрсатиш бўйича кенг тармоқли инфратузилма ташкил этилди.

Иқтисодиётнинг ўсиши ва унга боғлиқ равишда автотранспорт воситалари со-  
нининг кўпайиши автомобиль ёнилғисига, шу жумладан суюлтирилган ва сиқилган  
газга бўлган эҳтиёж ўсишига олиб келмоқда. Айни вақтда, суюлтирилган ва сиқил-  
ган газдан фойдаланиш ҳажмини тегишли равишда кўпайтириш, автомобилларни  
газ билан тўлдириш компрессор станцияларини ва автомобилларга газ қуиши стан-  
циялари шохобчаларини ривожлантириш бўйича аниқ стратегия белгиланмаган.

Автотранспорт воситаларини экологик тоза ёнилғи турлари билан ўз вақтида  
таъминлаш, автомобиль бензинини улар билан алмаштириш, республиканинг транс-  
порт инфратузилмасини янада ривожлантириш ва ушбу мақсадларда инвестиция-  
ларни жалб этиш мақсадида Вазирлар Махкамаси **қарор қиласди**:

1. Республикада автомобиль бензини истеъмол қиласдиган мавжуд автотранс-  
порт воситалари тўғрисидаги ахборот 1-иловага\* мувофиқ қабул килинсин.

2. 2007—2012 йилларга мўлжалланган қуийдагилар:

Ўзбекистон Республикаси бўйича автомобиль воситаларининг суюлтирилган ва  
сиқилган газ истеъмоли прогноз ҳажмлари 2-иловага\* мувофиқ;

автотранспорт воситаларини суюлтирилган газга ўтказишнинг прогноз кўрсат-  
кичлари 3 ва За-иловаларга\* мувофиқ;

автотранспорт воситаларини сиқилган табиий газга ўтказишнинг прогноз кўрса-  
тичлари 4 ва 4а-иловаларга\* мувофиқ;

автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари қуриш прогнози  
5-иловага\* мувофиқ;

автомобилларга газ қуиши станциялари қуриш прогнози 6-иловага\* мувофиқ;

автомобиль газ баллонлари ва суюлтирилган газни саклаш учун идишлар иш-  
лаб чиқариш прогнози 7-иловага\* мувофиқ;

автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари ва автомобил-  
ларга газ қуиши станцияларини самарали лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан

\* 1—7-иловалар берилмайди.

фойдаланиш учун ишлаб чиқиладиган ва қайта кўриб чиқиладиган зарур норматив хужжатлар рўйхати 8-иловага\* мувофиқ маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иктиносидёт вазирлиги «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан биргаликда 7-иловага мувофиқ автомобиль газ баллонлари ва суюлтирилган газни саклаш учун идишлар ишлаб чиқариш лойиҳаларини прогнозга биноан Махаллийлаштириш дастурига киритишини назарда тутсин.

4. Белгилансинки, автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари ва автомобилларга газ қўйиш станциялари объектлари куриш учун ер участкалари ажратиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланган схемага қатъий мувофиқ равишда ҳамда Давлат архитектура ва курилиш қўмитаси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати худудий бўлинмалари билан келишган ҳолда тендер асосида амалга оширилади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан биргаликда бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Иктиносидёт вазирлигига автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари ва автомобилларга газ қўйиш станцияларини ҳалқаро ва вилоятлараро автомобиль йўллари бўйлаб мақбул жойлаштиришнинг лойиҳа схемаларини киритсанлар.

6. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси «Ўздавнефтгазинспекция», Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой мuddатда мазкур қарорга 3, За, 4 ва 4а-иловаларга мувофиқ прогноз параметрлар бажарилиши бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссиясига киритсан.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги сиқилган ва суюлтирилган газдан фойдаланиш учун қайта жиҳозланган автотранспорт воситалари конструкциясининг лойиҳа хужжатларига ва йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги устидан қаттиқ назорат ўрнатсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р. Шоисматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазари**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 10 февраль,  
30-сон

\* 8-илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ

**65 Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олишни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 февралдаги 27-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 2-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатига иловага мувофик ўзгартириш ва қўшимчалар киритилисин.

2. Вазирликлар ва идоралар:

тегишли давлат ахборот ресурслари шакллантирилиши, улардан фойдаланилиши ва уларнинг ўз вактида қўллаб-қувватланиши ва янгилини таъминласинлар; давлат органларининг ишлатилаётган ахборот тизимларини жорий йил 30 июнгача белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

+

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазари**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 16 февраль,  
34-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2007 йил 16 февралдаги 34-сон қарорига  
ЙЛОВА

**Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш,  
улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул  
бўлган давлат органлари рўйхатига киритилаётган ўзгартириш  
ва қўшимчалар**

1. 1-позициядан кейин қўйидаги мазмундаги 1-1-позиция қўшилсин:

1-1	Аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари	Молия вазирлиги
-----	---------------------------------------	-----------------

2. 17-позиция қўйидаги мазмунда баён қилинсин:

17	Давлат, тармоқ стандартлари, маъмурий-худудий стандартлар ҳамда амал қилинадиган ҳужжатлар ва уларга ўзгартиришлар, шунингдек стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш бўйича нормалар ва қоидалар давлат реестри	Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги
----	---	---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

3. 17-позициядан кейин қўйидаги мазмундаги 17-1 ва 17-2-позициялар қўшилсин:

17-1	Корхоналарнинг маҳсулотларга техник шартлари, стандартлари ва уларга ўзгартиришлар давлат реестри	Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги
17-2	Ўзбекистон Республикаси Ўлчов воситалари давлат реестри	

4. 40-позициядан кейин қўйидаги мазмундаги 40-1 ва 40-2-позициялар қўшилсин:

40-1	Ўзбекистон Республикаси матбаа корхоналарини рўйхатдан ўтказиш Ягона давлат реестри	Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги
40-2	Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган нашриётлар давлат реестри	

5. 42-позициядаги «Давлат ахборот ресурслари номи» устунида «ахборот ресурслари» сўзларидан кейин «ва давлат органларининг ахборот тизимлари» сўзлари қўшилсин.

6. 43-позициядан кейин қўйидаги мазмундаги 43-1-позиция қўшилсин:

43-1	Телекоммуникациялар соҳасида берилган лицензиялар реестри	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
------	---	---

7. Қўйидаги мазмундаги 45—51-позициялар қўшилсин:

45	Содир бўлган фавқулодда вазиятлар маълумотлар базаси	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
46	Автомобиль транспортида юк ва йўловчилар ташиш фаолиятини амалга ошириш хукуқи учун юридик ва жисмоний шахсларга берилган лицензиялар реестри	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги
47	Энергетик текширишлар ва экспертизалар ўтказиш фаолиятини амалга ошириш хукуқи учун берилган лицензиялар реестри	Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси
48	Импорт ва экспорт бўйича фаллани ва уни қайта ишлаш маҳсулотларини давлат инспекциясидан ўтказиш реестри	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат дон инспекцияси
49	Банк депозиторлари миллий ахборот базаси	Марказий банк
50	Электрон маълумотномалар ягона базаси (МБ ЭМЯБ)	
51	Ўзбекистон Республикаси экспорт қилувчилари маълумотлар базаси	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ

**66**

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим  
қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш  
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ истеъмол товарлари кўргазмалари ва ярмаркаларини ўтказиш соҳасида «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси фаолиятини фаоллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 29 декабрдаги 270-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **карор қиласди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда «Ўзулгуржисавдоинвест» ултуржи савдо корхоналари уюшмаси томонидан халқ истеъмол товарлари кўргазмалари ва ярмаркаларини ўтказиш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсан ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

+

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 16 февраль,  
35-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2007 йил 16 февралдаги 35-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган  
қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро ярмарка савдоси республика марказини ташкил этиш тўғрисида» 1999 йил 4 мартағи 97-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «»Ўзкўргазмасавдо» доимий ишловчи республика ярмарка савдоси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 5 сентябрдаги 340-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2000 й., 9-сон, 56-модда) ва қарорга илова.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2003 йил 13 январдаги 14-сон қарорига илованинг 21-банди (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 1-сон, 5-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоб

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

лаш тўғрисида» 2005 йил 8 сентябрдаги 206-сон қарорига 1-илованинг 24-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 8-9-сон, 48-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ

## 67      **Литва Республикаси билан ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Литва Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувлар давомида эришилган ахдлашувларнинг тўлиқ кўламда ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси билан Литва Республикаси ўртасидаги якин истиқболга мўлжалланган ҳамкорликни янада ривожлантириш тадбирлари режаси (кейинги ўринларда Тадбирлар режаси деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

— 2. Тадбирлар режасини бажариш бўйича вазирликлар ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига юклансин.

+

3. Вазирликлар ва идоралар раҳбарлари Тадбирлар режасининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминласинлар ҳамда уларнинг бажарилиши тўғрисида йилнинг ҳар чорагида Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгаши Аппаратига ахборот тақдим этсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазари**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 16 февраль,  
36-сон

+

Вазирлар Маҳкамасининг  
2007 йил 16 февралдаги 36-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси билан Литва Республикаси ўртасидаги яқин истиқболга  
мўлжалланган ҳамкорликни янада ривожлантириш тадбирлари режаси**

T/p	Мақсад	Тадбирлар	Муддатлари	Бажарувчилар
<b>I. Сиёсий соҳа</b>				
1.1.	<b>Сиёсий-дипломатик муносабатларни фаоллаштириш</b>	1.1.1. Литва ташқи ишлар вазири П.Вайтиекунаснинг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш 1.1.2. Вильнюсда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги билан Литва Ташқи ишлар вазирлиги ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг навбатдаги босқичини ўтказиш	2007 йил I ярим йиллиги  2008 йил I ярим йиллиги	Ташқи ишлар вазирлиги  Ташқи ишлар вазирлиги
1.2.	<b>Парламентлараро алоқаларни ривожлантириш</b>	1.2.1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Литва билан парламентлараро алоқалар гурухини ташкил этиш (депутатлар ва сенаторлардан), шунингдек парламент делегацияларини айирбошлиш масалаларини ишлаб чиқиш	2007 йил	Ташқи ишлар вазирлиги, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати (келишув бўйича)
<b>II. Суд-хукуқ ва хавфсизлик соҳаси</b>				
2.1.	<b>Халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотрафика ва уюшган жиноятчиликка қарши курашишда, шунингдек суд-хукуқ соҳасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш</b>	2.1.1. Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан ГФР Хукумати ўртасида Ўзбекистон Республикаси худуди орқали ўтадиган транзит, шунингдек унинг ҳарбий инфратузилмасига кириш ва ундан фойдаланиш тўғрисида 2002 йил 12 февралда тузилган битимга Литванинг қўшилишини хукуқий расмийлаштириш масалаларини ҳал қилиш	2007 йил	Мудофаа вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси

T/p	Мақсад	Тадбирлар	Муддатлари	Бажарувчилар
		2.1.2. Суд-хукуқ соҳасида тажриба ва ахборот айирбошлиш мақсадида Ўзбекистон ва Литванинг хуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа тегишили органлари вакилларининг ўзаро ташрифларини ташкил этиш, шунингдек жиноятчиликка, божхона қонунчилиги, бошқа идоралараро шартномалар бузилишига қарши курашишда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги икки томонлама хукуматлараро битимларнинг амалда рўёбга чиқарилишини ташкил этиш	2007-2008 йиллар	Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий маркази, Давлат божхона қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги
<b>III. Иқтисодий муносабатлар соҳаси</b>				
3.1.	<b>Савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг шартномавий-хукуқий базасини мустаҳкамлаш</b>	3.1.1. Қуйидаларни: — Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан Литва Республикаси Хукумати ўртасида иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида; — «Ўстандарт» агентлиги билан Литванинг тегишили миллий органи ўртасида стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва акредитация қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида; — Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Литва саноатчилар Конфедерацияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимларни имзолаш масалаларини ишлаб чиқиш	2007 йил I ярим йиллиги  2007 йил  2007 йил	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги  «Ўстандарт» агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги  Савдо-саноат палатаси, Ташқи ишлар вазирлиги
3.2.	<b>Савдо-иқтисодий ва инвестиция ҳамкорлигини ривожлантириш</b>	3.2.1. Тошкент шаҳрида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон—Литва хукуматлараро комиссиясининг учинчи мажлисини, шунингдек Транспорт бўйича Ўзбекистон—Литва ишчи гуруҳининг иккинчи мажлисини ўтказиши  3.2.2. Ўзаро манфаатли бўлган турли соҳаларда ҳамкорлик қилиш имкониятларини муҳокама қилиш учун иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича Ўзбекистон делегациясининг Литвага ташрифини ташкил этиш	2007 йил II ярим йиллиги  2007 йил май-июнь	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Ташқи ишлар вазирлиги  Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар

+

T/p	Мақсад	Тадбирлар	Муддатлари	Бажарувчилар
		<p>3.2.3. Литванинг тўғридан-тўғри инвестицияларини Ўзбекистон иқтисодиётининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, тўқимачилик саноати, ахборот-коммуникация технологиялари ва бошқа соҳаларига жалб этиш масалаларини ишлаб чиқиши</p> <p>3.2.4. Литва билан транспортда ташишлар соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши</p>	<p>2007-2008 йиллар</p> <p>2007 йил I ярим йиллиги</p>	<p>Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда</p> <p>Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллый авиакомпанияси, «Ўзташқитранс» давлат-акциядорлик компанияси</p>
<b>IV. Маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик</b>				
4.1	<b>Маданият, таълим, фан ва соглиқни сақлаш масалалари бўйича икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириши</b>	<p>4.1.1. Ўзаро кўргазмалар ва гастроллар ташкил этиш, шунингдек маданий мерос обьектларини ҳисобга кўйиш, муҳофаза ва реставрация қилиш, улардан фойдаланиш ва шу кабилар соҳасида тажриба алмашиш масалалари бўйича ҳамкорликни йўлга кўйиш ва ривожлантириш</p> <p>4.1.2. Олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот муассасалари ўртасида электроника, приборсозлик, ахборот ва компьютер технологиялари, тиббиёт, фармакология ва бошқа устувор соҳаларда тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш</p>	<p>2007-2008 йиллар</p> <p>2007-2008 йиллар</p>	<p>Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бадий академия, Ташки ишлар вазирлиги</p> <p>Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантириши мувофиқлаштириш кўмитаси, Ташки ишлар вазирлиги</p>

T/p	Мақсад	Тадбирлар	Муддатлари	Бажарувчилар
		<p>4.1.3. Перинатал тиббиёт, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда бошқа соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш</p> <p>4.1.4. «Соғлом авлод учун», «Сен ёлғиз эмассан» жамғармалари билан Литванинг тегишли ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни ўрнатиш ва ривожлантириш</p>	<p>2007-2008 йиллар</p> <p>2007-2008 йиллар</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги</p> <p>«Соғлом авлод учун», «Сен ёлғиз эмассан» жамғармалари, Ташқи ишлар вазирлиги</p>
4.2.	<b>Туризм соҳасида ҳамкорликни фаоллаштириши</b>	4.2.1. Литва туризм операторлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Ўзбекистонга инфо-турларни, шунингдек Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги мутахассисларининг Литвадаги тегишли муассасаларда ўқиши ва малака оширишини ташкил этиш	2007-2008 йиллар	«Ўзбектуризм» миллый компанияси, Ташқи ишлар вазирлиги

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ

**68**

**Микромолиявий хизматлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Микромолиявий хизматлар бозорини янада ривожлантириш, микрокредит ташкилотларининг фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензиялар бериш механизмини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ республика ҳудудида микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш, тартибга солиш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

2007 йил 1 апрелдан бошлаб республика ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тегишли лицензиясисиз микрокредит ташкилотлари фаолияти амалга оширилишига йўл қўйилмайди;

микрокредит ташкилотлари фаолияти амалга оширилиши ҳуқуқига ариза кўриб чиқилганлиги учун лицензия талаборидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ариза берилган кунда қонун хужжатларида белгиланган бир энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида йиғим ундирилади;

+

микрокредит ташкилотлари фаолияти амалга оширилиши ҳуқуқига лицензия берилганлиги учун тўлов кунида қонун хужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

республикада рўйхатдан ўтказилган ва микрокредит ташкилотлари фаолияти амалга оширадиган юридик шахсларни хатловдан ўтказишни 2007 йил 1 апрелгача бўлган мuddатда тутадиган 2007-2008 йилларда микрокредит ташкилотлари тармоғини барпо этиш ва кенгайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсан ва тасдиқласин;

Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан биргаликда бир ой муддатда минтақалар бўйича мақсадли ўйналишларни назарда тутадиган 2007-2008 йилларда микрокредит ташкилотлари тармоғини барпо этиш ва кенгайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсан ва тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солик қўмитаси ва Марказий банк билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив хужжатларга микрокредит ташкилотларига солик солиш хусусиятларини аниқлаштириш юзасидан тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритсан.

Вазирлар Маҳкамасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2002 йил 28 июня даги 236-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 36-модда) 1-илованинг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки» бўлими куйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Микрокредит ташкилотлари фаолияти».

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси

-

Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 19 февраль,  
37-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**69**

**Республикада омихта ем ишлаб чиқариш саноатини  
ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар  
тўғрисида**

Республика чорвачилиги ва паррандачилигини балансланган юқори сифатли омихта ем билан таъминлашни яхшилаш ҳамда уларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун қулагай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласиди**:

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирилиги, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг корхоналарнинг ўз маблағлари ва тижорат банкларининг кредитлари хисобига «Wynveen International» Нидерландия компаниясининг 2 комплект омихта ем ишлаб чиқариш ускуналарини ҳарид қилиш ва кейинчалик уларни «Тошкентдонмаҳсулотлари» (Тошкент шахри) акциядорлик жамиятида ҳамда «Дунё М» (Қашқадарё вилояти) акциядорлик жамиятида ўрнатиш;

«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг 1-иловага\* мувофиқ Коракалпогистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги корхоналарнинг ишлаб турган омихта ем цехларини 2007—2010 йиллар даврида модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси (Кудратов):

икки ҳафта муддатда — «Ўзсаноатмашимпэкс» давлат-акциядорлик компанияси билан биргаликда 2 комплект омихта ем ишлаб чиқариш ускуналарини етказиб бериш юзасидан белгиланган тартибда тегишли шартномалар тузилишини ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирилигига экспертизадан ўтказилишини таъминласин;

бир ой муддатда — 2 комплект омихта ем ишлаб чиқариш ускуналарини ўрна-

\* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

тиш бўйича лойиҳа-смета хужжатлари ишлаб чиқилишини ҳамда жорий йилнинг 1 июлигача уларни монтаж қилиш ва созлаш ишлари тугалланишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда жорий йилнинг 10 марта гача 160 тонна ҳажмида маккажўхори ҳамда 2007 йил 1 июлгача 940 тонна ҳажмида арпа навли уруғлиги олиб келинишини ташкил этсин.

3. Қашқадарё ва Тошкент вилоятлари ҳокиммилклари:

Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда модернизация қилинадиган иккита заводни зарур хом ашё билан кафолатли таъминлашни назарда тутган ҳолда асосий экин майдонларида арпа ва маккажўхори етишириш учун бир ой муддатда 2-иловага\* мувофиқ сугориладиган ерлар ажратсинлар;

«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда дон маҳсулотлари корхоналари билан фермер хўжаликлари ўртасида маккажўхори ва арпа дони харид қилиш юзасидан жорий йилнинг 15 апрелигача фьючерс шартномалари тузилишини таъминласинлар.

4. «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси корхоналари:

Нидерландиянинг «Wynveen International» компанияси билан тузиладиган шартнома доирасида олиб келинадиган омихта ем ишлаб чиқариш ускуналарига;

2011 йил 1 январгача — маккажўхори ва арпа уруғлиги учун, шунингдек «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг 3-иловага\* мувофиқ рўйхат бўйича омихта ем цехларини модернизация қилиш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун технология асбоб-ускуналари ва эҳтиёт қисмларга божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш учун ўйфимлар бундан мустасно) тўлашдан озод қилинсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазари**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 19 февраль,  
38-сон

\* 2-3-илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ

## 70 2007 йил Пудрат қурилиш ишлари дастури тўғриси-да

2007 йил Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури параметрлари бажарилишини таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилишга, технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилишга, шунингдек академик лицейлар, касб-хунар колледжлари ва умумтаълим мактаблари қуришига ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Иктисодиёт вазирлиги томонидан Молия вазирлиги, Ташки иктисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда ишлаб чиқилган 2007 йил Пудрат қурилиш ишлари дастурининг асосий параметрлари 1-иловага\* мувофиқ маъкуллансин.

2. 2007 йил пудрат ишларининг объектлар бўйича дастурлари:  
академик лицейлар ва касб-хунар колледжлари бўйича 2-иловага\* мувофиқ;  
умумтаълим мактаблари бўйича 3-иловага\* мувофиқ;  
вазирликлар ва идоралар бўйича 2007 йил Инвестиция дастурига киритилган йирик ишлаб чиқариш объектлари бўйича 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

3. Ўтказилган танлов савдолари натижаларига қўра ҳамда пудрат ишларини бажариш юзасидан буюртмачилар билан тузилган шартномаларга мувофиқ академик лицейлар, касб-хунар колледжлари ва умумтаълим мактаблари қуриши амалга оширувчи пудрат ташкилотларига кредитлар бериш учун 2007 йилги қурилишларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган манзилли рўйхатлари асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Мактаб таълими жамғармаси томонидан 2006 йил декабрда республика тижорат банкларида 33,7 млрд сўм микдорида мақсадли депозитлар жойлаштирилганлиги маълумот учун қабул қилинсан.

4. 2007 йил Инвестиция дастурига киритилган объектлар буюртмачилари — вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шахар ҳокимликлари:

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда, объектларнинг белгиланган муддатларга қатъий мувофиқ равишда фойдаланишга топширилишини таъминлайдиган ишларни олиб боришнинг алоҳида босқичларини бўлиб чиқсан ва боғлаган ҳолда ҳар бир объект қурилишининг календарь жадвалларини ишлаб чиқсанлар ва тасдиқласинлар;

хар ойнинг 5-кунида Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасига Пудрат ишлари дастурининг амалга оширилиши тўғрисида ахборот тақдим этсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси:  
тақдим этиладиган ахборот асосида буюртмачилар ва пудратчилар томонидан танлов савдолари ҳамда тузилган шартномалар шартлари бажарилишининг мунтазам мониторингини таъминлассин, бунда қурилаётган объектларнинг зарур қурилиш материаллари билан таъминланганлигига, уларнинг технологик асбоб-ускуналар билан ўз вақтида бутланганлигига алоҳида эътибор берсин;

\* 1—4-иловалар берилмайди.

хар ойнинг 10-кунида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Пудрат ишлари дастурининг амалга оширилиши мониторинги натижалари, бажарилган лойиха ва қурилиш ишларининг сифати, буюртмачилар ва пудратчилар томонидан ўз зиммасига олинган шартнома мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисида ахботот тақдим этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иктисадиёт вазирлигига Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, алоҳида объектлар бўйича ўтказилган танлов савдолари натижаларини ва маблағларнинг амалда ўзлаштирилишини хисобга олган ҳолда Пудрат ишлари дастурининг айрим қўрсаткичларига тасдиқланган лимитлар доирасида тузишлилар киритиш ҳуқуқи берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иктисадиёт вазирлиги Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Адлия вазирлиги, бошқа манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 21 февраль,  
40-сон

+

-

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
 ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛарНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ  
 МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚўМИТАСИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚўМИТАСИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚўМИТАСИНинг  
 ҚАРОРИ

**71 Илмий-техника ҳамкорлиги бўйича халқаро ва хорижий ташкилотлар ва фонд ҳамда халқаро битимлар грантлари доирасида чет элдан келтирилган пул маблағлари ва ускуналарга хуросаларни бериш тартибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
12 февралда 438-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 22 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги ПҚ-436-сонли «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 31-32-сон, 311-модда) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси томонидан 1998 йил 16 марта, Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 15 апрелда, Давлат солик қўмитаси томонидан 1998 йил 30 апрелда, Давлат божхона қўмитаси томонидан 1998 йил 27 марта тасдиқланган Илмий-техника ҳамкорлиги бўйича халқаро ва хорижий ташкилотлар ва фонд ҳамда халқаро битимлар грантлари доирасида чет элдан келтирилган пул маблағлари ва ускуналарга хуросаларни бериш тартибига (1998 йил 18 май, рўйхат рақами 438) илова\* бўйича ўзгартиришлар киритилсин.

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва  
технологияларни ривожлантиришни  
мувофиқлаштириш қўмитаси раисининг  
ўринбосари, Ижрочи аппарат раҳбари**

**Э. ЗОХИДОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 30 январь,  
1-сон

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 30 январь,  
PA / 12-06-14 / 10-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси**

**Б. ПАРПИЕВ**

Ташкент ш.,  
2007 йил 30 январь,  
2007-10-сон

**Давлат божхона қўмитаси раиси**

**С. НОСИРОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 30 январь,  
01-02 / 20-6-сон

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИННИГ  
ҚАРОРИ

**72 Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар  
учун даромад (фойда) солиfi ва ягона солиқ тўло-  
ви бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги  
низомга қўшимчалар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
12 февралда 1594-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2007 йил 22 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-532-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 51-52-сон, 507-модда) мувофиқ **қарор қиласиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 20 июндаги 54, 2006-28-сон қарори билан тасдиқланган Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиfi ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга (2006 йил 17 июль, рўйхат рақами 1594 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 28-29-сон, 281-модда) иловага\* мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 29 январь,  
15-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси**

**Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 29 январь,  
2007-12-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ  
ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**73**

**Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларининг  
радиожиҳозларига Сертификат бериш бўйича йўриқ-  
номага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
12 февралда 1428-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 22 февралдан кучга киради)*

Ҳаво кемасига ўрнатилган радиожиҳоз тизимлари номларининг рўйхати, миқдори ёки радиожиҳоз сигналининг нурланиш частотаси ўзгарганда, радиожиҳоз Сертификатини қайта расмийлаштириш таомилини такомиллаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2004 йил 9 ноябрдаги 146-сон бўйруфи билан тасдиқланган (2004 йил 26 декабрь, рўйхат рақами 1428) Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларининг радиожиҳозларига Сертификат бериш бўйича йўриқномага иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

+

2. Мазкур бўйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатга олинган кундан ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

-

3. Ишлар бошқармаси томонидан девонхона билан ҳамкорликда Адлия вазирлигига рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн кун ичida ўзгартириш ва қўшимчаларнинг кўпайтирилиб барча авиакомпаниялар ва манфаатдор ташкилотларга тарқатилиши таъминлансин.

4. Мазкур бўйруқ бажарилишини назорат қилиш Сертификатлаш, лицензиялаш ва парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи зиммасига юклатилсин.

**Парвозлар хавфсизлигини назорат  
қилиш давлат инспекцияси  
бошлиғи**

**Х. ТРОБОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 11 январь,  
5-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚҮМИТАСИННИГ  
 ҚАРОРИ

**74      Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва  
 алкоголли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш  
 тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар  
 киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
 13 февралда 589-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 23 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солик хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига, Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 ноябрдаги ПҚ-505-сон «Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 45-сон, 440-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қиласди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 1998 йил 10 декабрдаги 04-02-05/809, 98-156-сон ва Давлат божхона қўмитасининг 1998 йил 6 декабрдаги 02/8-42-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (1999 йил 7 январь, рўйхат рақами 589 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 1999 йил, 2-сон, 2000 йил, 16-сон, 2003 йил, 21-22-сон) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
 2007 йил 8 январь,  
 4-сон

**Давлат солик қўмитаси раиси**

**Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
 2007 йил 8 январь,  
 2007-02-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Давлат божхона қўмитаси раиси

С. НОСИРОВ

Тошкент ш.,  
2007 йил 8 январь,  
01-02/8-2-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИННИГ  
ҚАРОРИ

**75 Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солифини хисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 19 февралда 1238-б-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 1 мартаң кучга киради)



Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солик хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қофозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сон қарорига мувофиқ, («Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами», 2006 йил, 39-сон, 387-модда) қарор қиласиз:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг 2003 йил 7 мартағи 43, 2003-37-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солифини хисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага (2003 йил 29 апрель, рўйхат рақами 1238 — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 7-8-сон; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 11-сон, 131-модда; 2005 й., 15-16-сон, 125-модда; 40-сон, 312-модда; 2006 й., 20-21-сон, 182-модда) иловага\* мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири****Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 18 январь,  
6-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

Давлат солиқ қўмитаси раиси

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,  
2007 йил 18 январь,  
2007-07-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИННИГ  
ҚАРОРИ

**76 Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган  
солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тар-  
тиби тўғрисидаги ўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар ки-  
ритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
20 февралда 1110-6-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 2 мартаң кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ **қарор қиласиз**:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 январдаги 10, 2002-16-сон қарори билан тасдиқланган Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги ўриқномага (2002 йил 14 март, рўйхат раками 1110 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 5, 17-18-сон; 2003 й., 5-6-сон; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 10-сон, 125-модда; 2005 й., 10-11-сон, 87-модда; 2006 й., 9-сон, 67-модда) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,  
2007 йил 31 январь,  
16-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,  
2007 йил 31 январь,  
2007-13-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИННИГ  
ҚАРОРИ

**77 Айрим турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғул-  
ланаётган юридик ва жисмоний шахслар учун қатъ-  
ий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тарти-  
би тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
20 февралда 1218-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 2 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроқитисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-532-сон қарорига мувофиқ **қарор қиласиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 31 январдаги 24, 2003-19-сон қарори билан тасдиқланган Айрим турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахслар учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга (2003 йил 16 февраль, рўйхат рақами 1218 — Меърий хужжатлар ахбортономаси, 2003 й., 4-сон; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 6-сон, 79-модда; 2005 й., 5-6-сон, 50-модда; 2006 й., 11-сон, 91-модда) иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 29 январь,  
14-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси**

**Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 29 январь,  
2007-09-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИННИГ  
ҚАРОРИ

**78 Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг даромадидан қатъий белгиланган ҳажмларда олинадиган солиқни хисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 20 февралда 1230-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 2 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ **қарор қиласмиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 26 февралдаги 37, 2003-33-сон қарори билан тасдиқланган Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг даромадидан қатъий белгиланган ҳажмларда олинадиган солиқни хисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга (2003 йил 3 апрель, рўйхат раками 1230 — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 7-8-сон; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами 2004 й., 4-сон, 50-модда; 31-сон, 359-модда; 2005 й., 5-6-сон, 51-модда; 2006 й., 11-сон, 92-модда) иловага\* мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 29 январь,  
13-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси**

**Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 29 январь,  
2007-08-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОФОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИННИНГ  
ҚАРОРИ

**79 Иккиламчи бозорда эркин конвертация қилинадиган  
валютада амалга ошириладиган қимматли қоғозлар  
билин битишувларга хисоб-китоб-клиринг хизмати кўрсатиш  
тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
22 февралда 1658-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 4 мартаң кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида», «Валютани тартибга солиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 29 апрелдаги 196-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил 7-8-сон, 65-модда) мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш тўғрисида» 2006 йил 27 сентябрдаги ПК-475-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил 39-сон, 387-модда) ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридан Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Молия вазирлиги ва Марказий банк Бошқаруви **қарор қиласи**:

1. «Иккиламчи бозорда эркин конвертация қилинадиган валютада амалга ошириладиган қимматли қоғозлар билан битишувларга хисоб-китоб-клиринг хизмати кўрсатиш тартиби тўғрисида низом» иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсан.

**Қимматли қоғозлар бозори  
фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат  
қилиш Маркази Бош директори**

**К. ТОЛИПОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 29 декабрь,  
2006-17-сон

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 29 декабрь,  
5-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

**Марказий банк Бошқаруви  
раиси**

**Ф. МУЛЛАЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 29 декабрь,  
283-В-сон

Давлат мулки қўмитаси хузуридаги  
Қимматли қофозлар бозори фаолиятини  
мувофиқлаштириш ва назорат қилиш  
маркази, Молия вазирлиги, Марказий банк  
Бошқарувининг 2006 йил 29 декабрдаги  
2006-17, 5, 283-В-сон қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Иккиламчи бозорда эркин конвертация қилинадиган валютада  
амалга ошириладиган қимматли қофозлар билан битишувларга  
хисоб-китоб-клиринг хизмати кўрсатиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қофозлар ва фонд  
биржаси тўғрисида», «Қимматли қофозларнинг фаолият кўрсатиш механизми тўғри-  
сида», «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республи-  
каси Президентининг «Қимматли қофозлар бозорини янада ривожлантириш чора-  
тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сон қарорига (Ўзбекис-  
тон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 39-сон, 387-модда) муво-  
фик, иккиламчи бозорда эркин конвертация қилинадиган валютада амалга ошири-  
ладиган корпоратив қимматли қофозлар билан битишувлар бўйича хисоб-китоб-кли-  
ринг хизмати кўрсатиш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда кўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:  
**ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (ташкилот)** — қимматли қофозлар бозо-  
рини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг тегишли лицензияси асо-  
сида қимматли қофозлар билан битишувлар бўйича хисоб-китоб-клиринг операция-  
ларини амалга оширувчи қимматли қофозлар бозорининг професионал қатнашчиси  
(инвестиция институти);

**савдоларнинг ташкилотчиси** — Ўзбекистон Республикаси худудида рўйхат-  
дан ўтказилган ва қимматли қофозларнинг биржа ёки биржадан ташқари савдосини  
ташкил этиш бўйича фаолиятни белгилangan тартибда амалга оширувчи, хисоб-ки-  
тоб-клиринг палатаси билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузган юридик  
шахс;

**ҳисоб-китоб-клиринг палатаси аъзоси** — қимматли қофозлар бозорининг  
қимматли қофозлар бозорида ўзи томонидан содир этилган битишувлар бўйича хисоб-  
китоб-клиринг операцияларини ўтказиш тўғрисида хисоб-китоб-клиринг палатаси  
билан тузилган шартномани имзолаган професионал қатнашчиси;

**савдолар қатнашчиси** — ҳисоб-китоб-клиринг палатаси аъзолари ёки ўз но-  
мидан ва ўз ҳисобидан ёки ўз мижозлари учун қимматли қофозлар билан битишув-  
ларни тузиш учун ташкил этилган савдоларда иштирок этувчи мижозлар;

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

**савдо ҳисоб рақами** — Марказий депозитарийнинг ҳисобга олиш рўйхатларидағи депонентнинг қимматли қоғозларини сақлашга ва ташкил этилган савдоларга қўйиладиган қимматли қоғозларга бўлган ҳукуқларни ҳисобга олишга мўлжалланган ёзувлар жами;

**ҳисоб-китоб-клиринг палатасидаги шахсий ҳисоб рақам** — ҳисоб-китоб-клиринг палатасининг ҳисобга олиш рўйхатларидағи мижознинг ёки ҳисоб-китоб-клиринг палатаси аъзосининг, шунингдек савдоларнинг ташкилотчилари ва Марказий депозитарийнинг пул маблағларини ҳисобга олишга мўлжалланган ёзувлар жами;

**тўловга қараб етказиб бериш** — қимматли қоғозлар билан битишувларни бажариш тартиби, бунда қимматли қоғозлар ва пул маблағлари фақат ҳисоб-китоб-клиринг операциялари қатнашчиларининг ҳисоб рақамларида содир этилган битишувларни бажаришга мўлжалланган зарур микдордаги қимматли қоғозлар ва пул маблағлари борлиги текширилгандан ва тасдиқлангандан кейин ўтказилади;

**«савдоларга чиқариш ҳаракати тўхтатилди» бўлими** — биржা ва биржадан ташқари савдо тизимларида сотиш учун қўйиладиган қимматли қоғозларни ҳисобга олишга мўлжалланган маҳсус бўлим. Мазкур бўлим фақат савдолар қатнашчисининг Марказий депозитарийдаги савдо ҳисоб рақамида очилиши мумкин;

**«етказиб бериш ҳаракати тўхтатилди» бўлими** — савдолар натижаларига кўра қимматли қоғозлар бўйича мажбуриятларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Мазкур бўлим фақат савдолар қатнашчисининг Марказий депозитарийдаги савдо ҳисоб рақамида очилиши мумкин;

**қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи** — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридан Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази;

**хизмат кўрсатувчи банк** — ҳисоб-китоб-клиринг палатасининг ўзи томонидан хўжалик фаолияти юритилишига мўлжалланган ҳисоб-китоб-клиринг палатасининг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамига ва (ёки) ҳисоб-китоб-клиринг палатаси аъзолари ва мижозларининг пул маблағларини ҳисобга олиш ва сақлашга мўлжалланган талаб қилиб олингунча иккиласи депозит ҳисоб рақамига хизмат кўрсатиш бўйича ҳисоб-китоб-клиринг палатасига хизматлар кўрсатувчи банк.

2. Ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (бундан бўён матнда ҲКП деб юритилади) фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Қимматли қоғозлар иккиласи бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 29 апрелдаги 196-сон карори билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозорида ҳисоб-китоб-клиринг палаталари тўғрисида низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 7-8-сон, 65-модда), мазкур Низом ва бошка қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

3. Ҳисоб-китоб-клиринг операцияларини ўтказиш қоидалари, шунингдек уларга киритилган ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи билан келишилиши лозим.

## II. Ҳисоб-китобларни эркин конвертация қилинадиган валютада олиб бориш бўйича ҲКП фаолиятини ташкил этиш

4. Эркин конвертация қилинадиган валютада тузиладиган қимматли қоғозлар битишувлари бўйича ҳисоб-китоблар «тўловга қараб етказиб бериш» тамойили асосида амалга оширилади.

5. ҲҚП, савдолар қатнашчиларининг эркин конвертация қилинадиган валютадаги пул маблағларини ҳисобга олиш ва сақлаш мақсадида, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда хизмат кўрсатувчи банкда талаб қилиб олингунча иккиламчи депозит ҳисоб рақамини очади.

6. Резидентларнинг хорижий банклардаги ҳисоб рақамлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган савдоларнинг ташкилотчилари савдо майдончаларида тузилган қимматли қоғозлар билан битишувлари бўйича эркин конвертация қилинадиган валютадаги пул ҳисоб-китоблари Ўзбекистон Республикаси худудида амалга оширилади.

7. Савдоларнинг ташкилотчилари савдо майдончаларида ўтказиладиган битишувлар бўйича қимматли қоғозларни сотиш ёки сотиб олиш баҳоси факат Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида кўрсатилади.

8. Агар, савдоларнинг ташкилотчилари қоидаларида ёхуд қимматли қоғозлар сотувчисининг топширик (воситачилик) шартномасида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, қимматли қоғозларни олувчи-норезидент, қимматли қоғозларнинг қийматини эркин конвертация қилинадиган валютадаги пул маблағларида тўлашга ҳақли.

9. Биржа ва ташкиллаштирилган биржадан ташқари савдоларда тузиладиган қимматли қоғозларнинг олди-сотди битишувлари бўйича эркин конвертация қилинадиган валютадаги ҳисоб-китоблар, ҲҚПнинг хизмат кўрсатувчи банкдаги талаб қилиб олингунча иккиламчи депозит ҳисоб рақами орқали амалга оширилади.

10. Норезидентлар иштирокида эркин конвертация қилинадиган валютада тузиладиган қимматли қоғозларнинг олди-сотди битишувлари бўйича ҳисоб-китоблар ва тўловлар, накд пулсиз тартибда, шу жумладан, банк пластик карточкаларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

11. Қимматли қоғозларни сотиб олиш учун пул маблағларни ҲҚПнинг талаб қилиб олингунча иккиламчи депозит ҳисоб рақамига ўтказиш:

юридик шахслар томонидан пул маблағларни ўзининг тегишли банкдаги ҳисоб рақамидан ҲҚПнинг талаб қилиб олингунча иккиламчи депозит ҳисоб рақамига кўчириш йўли билан;

жисмоний шахслар томонидан пул маблағларни ўзининг банк пластик карточкаларидан кўчириш йўли билан, шунингдек кейинчалик ҲҚПнинг талаб қилиб олингунча иккиламчи депозит ҳисоб рақамига кўчириш учун тегишли банкка накд пул маблағларини қонун ҳужжатларда ўрнатилган тартибда киритиш йўли билан амалга оширилади.

12. Жисмоний шахсларнинг қимматли қоғозларни сотиб олиш учун пул маблағларини ўтказиша, тўлов топшириқномасининг «Тўловчининг номи» устунида жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва фуқаролиги тўлиқ кўрсатилиши лозим. Акс ҳолда, ҲҚП пул маблағларини унинг тегишли банкдаги ҳисоб рақамига қайташига ҳақли.

Жисмоний шахсларнинг пул маблағларини ҲҚПнинг иккиламчи депозит ҳисоб рақамига ўтказиш учун тўлов топшириқномасининг «Тўлов мақсади» устунида жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг тури, ушбу ҳужжатнинг серияси ва рақами тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган бўлиши лозим.

13. Пул маблағларини ҲҚПнинг иккиламчи депозит ҳисоб рақамига ўтказиш учун тўлов топшириқномасининг «Тўлов мақсади» устунида қўшимча равища куйидаги маълумотлар акс эттирилган бўлиши лозим:

савдолар ташкилотчисининг номи;

пул маблағларининг депонентга қўйилган муддати (депонентга қўйиш муддати кўрсатилмаган ҳолларда пул маблағлари бир ой муддатга депонентга қўйилади).

Инвестиция воситачиси мавжуд бўлганда, тўлов топшириқномасининг «Тўлов мақсади» устунида қўйидаги маълумотлар ҳам киритилади:

топшириқ (воситачилик) шартномасига мувофиқ, ушбу пул маблағларнинг таксимловчиси этиб тайинланган инвестиция воситачиси тўғрисида («БИ \_\_\_-сон » сўзи ёзилади);

олувчи ва инвестиция воситачиси ўртасида тузилган шартноманинг тури, топшириқ (воситачилик) шартномаси тузилган рақами ва санаси;

Тўлов топшириқномасининг қолган барча устунлари банк қоидаларида белгиланган тартибда тўлдирилади.

14. Савдолар қатнашчиси, улар томонидан тўлов топшириқномасида кўрсатиладиган маълумотларнинг тўғрилиги, ишончлилиги ва тўлиқлиги учун жавобгар бўлади.

15. ҲҚП, мазкур Низом талаблари бузилган ҳолда ҲҚПнинг талаб қилиб олингунча иккиламчи депозит хисоб рақамига ўтказилган пул маблағлари келиб тушган кундан эътиборан уч банк куни мобайнода хатога йўл қўйилган тўлов сифатида қайтиришга ҳақли.

16. Қайтирилиши шарт бўлган пул маблағлари ҲҚПнинг тўлов топшириқномаси асосида олувчининг ҲҚПдаги шахсий хисоб рақамидан унинг тегишли бандаги хисоб рақамига кўчириш йўли билан уч банк куни мобайнода қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

пул маблағлари таксимловчисининг аризаси асосида;

пул маблағларини депонентга қўйиш муддати мобайнода битишувлар амалга оширилмаган ҳолда;

+ битишувлар амалга оширилганидан кейин фойдаланилмаган қолдиқлар мавжуд бўлиб, пул маблағларини депонентга қўйиш муддати ўтган тақдирда;

қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолларда амалга оширилади.

-

### **III. Қимматли қофозлар билан битишувларни амалга ошириш учун эркин конвертация қилинадиган валюталарни депонентга қўйиш**

17. Эркин конвертация қилинадиган валюталарни депонентга қўйиш, уни савдоларнинг ташкилотчиси қоидаларида белгиланган миқдорда ҲҚПнинг хизмат кўрсатувчи банкдаги талаб қилиб олингунча иккиламчи депозит хисоб рақамига кўчириш йўли билан амалга оширилади.

18. Пул маблағларини депонентга қўйиш муддатлари ва қимматли қофозлар бўйича хисоб-китоб-клиринг операцияларини ўтказиш механизми ҲҚПнинг қоидалари билан тартибга солинади.

19. Депонентга қўйилган пул маблағларининг хисобини юритиш ҲҚП томонидан ҲҚПдаги шахсий хисоб рақамидан кўчирмалар асосида амалга оширилади.

20. ҲҚПнинг хизмат кўрсатувчи банкдаги талаб қилиб олингунча иккиламчи депозит хисоб рақамига депонентга қўйиш учун эркин конвертация қилинадиган валюталарни кўчириш қўйидаги хужжатлардан бири асосида амалга оширилади:

ҲҚП аъзоси билан қимматли қофозларни сотиб олишга тузилган топшириқ (воситачилик) шартномаси;

хисоб-китоб-клиринг хизмати кўрсатиш тўғрисида ҲҚП билан тузилган шартнома;

биржадан ташқари савдоларнинг ташкилотчиси билан тузилган шартнома.

21. Олувчи томонидан пул маблағларини ҲҚПга депонентга қўйиш, тўлов

топширикномасининг тўлов мақсадларида рақами кўрсатилган инвестиция воситаси (пул маблағлари тақсимловчиси)га қўйидаги хукуқларни беради:

олувчининг номидан қимматли қофозлар билан олди-сотди битишувлари тузиш (агар депонентга қўйиш топшириқ шартномаси асосида амалга оширилган бўлса);

кейинчалик қимматли қофозларни олувчининг номига ўтказиш шарти билан ўзининг номидан қимматли қофозлар билан олди-сотди битишувлари тузиш (агар депонентга қўйиш воситачилик шартномаси асосида амалга оширилган бўлса);

қимматли қофозларни биржадан ташқари савдоларда сотиб олиш учун пул маблағларини ўтказишга ҲҚПга кўрсатма бериш;

пул маблағларини олувчининг тегишли банкдаги ҳисоб рақамига қайтариш ёки пул маблағларини депонентга қўйиш муддатини узайтиришга ҲҚПга кўрсатма бериш;

ҲҚПга савдолар қатнашчиси номидан тузилган битишувлар бўйича сотувчига битишув суммасини, инвестиция воситачиси, савдоларнинг ташкилотчиси, Марказий депозитарий, иккинчи даражадаги депозитарийлар ва ҲҚПга воситачилик хизматларини тўлашга кўрсатма бериш.

22. Қимматли қофозлар ташкиллаштирилган биржадан ташқари савдоларда инвестиция воситачиси иштирокисиз сотиб олинганда, олувчининг шахсий ҳисоб рақамини бошқарувчиси этиб савдоларнинг ташкилотчиси тайинланади.

23. Агар, олувчининг ҲҚПдаги шахсий ҳисоб рақамида пул маблағлари мавжуд бўлиб, олувчи кўшимча равища пул маблағларини депонентга қўйса, унда пул маблағлари қолдикларини депонентга қўйиш муддати қайта депонентга қўйилган пул маблағларнинг муддатига тенглаштирилади.

24. ҲҚПнинг хизмат кўрсатувчи банкдаги талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамидаги эркин конвертация қилинадиган валютадаги пул маблағларини депонентга қўйиш муддатини узайтириш, пул маблағлари тақсимловчиси томонидан унинг ҲҚПга ёзма мурожаати асосида амалга оширилади.

25. Келиб тушган эркин конвертация қилинадиган валютадаги пул маблағлари ҳисобини юритиш, ўзаро муносабатлар регламентига мувофиқ, ҲҚП томонидан савдоларнинг ташкилотчисига депонентга қўйилган пул маблағлари тўғрисидаги ахборот тақдим этилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича миллий валютада ҲҚП томонидан амалга оширилади.

Битишув амалга оширилгунга қадар депонентга қўйилган пул маблағларини миллий валютага айрбошлаш, хизмат кўрсатувчи банк томонидан, факат уларнинг тақсимловчиси томонидан ҲҚПга ёзма мурожаат қилган ҳолларда амалга оширилади.

#### **IV. Савдо қатнашчиларининг ўзаро муносабатлари тартиби**

26. Қимматли қофозлар ташкиллаштирилган биржадан ташқари савдоларда сотилаётганда «тўловга қараб етказиб бериш» тамойилини таъминлаш учун, сотувчи қимматли қофозларни тахмин қилинаётган битишувларнинг ҳажмида Марказий депозитарийда депонентга қўйиши лозим. Қимматли қофозлар сотувчининг Марказий депозитарий савдо ҳисоб рақамидаги «савдоларга чиқариш харакати тўхтатилди» бўлимига ўтказилган бўлиши лозим.

Бунда, агар савдо инвестиция воситачиси орқали амалга оширилаётган бўлса, у сотувчининг савдо ҳисоб рақами бошқарувчиси этиб тайинланади.

27. Қимматли қофозлар биржадан ташқари ташкиллаштирилган савдоларда

+

инвестиция воситачисининг иштирокисиз сотилаётганда, сотувчининг савдо ҳисоб рақами тақсимловчиси этиб савдоларнинг ташкилотчиси тайинланади.

28. Қимматли қофозлар депонентга қўйилаётганда, савдо ҳисоб рақами тақсимловчиси Марказий депозитарийдаги қуидаги савдо ҳисоб рақамларини тўғрилиги-га ишонч хосил қилиши шарт:

жисмоний шахснинг Ф.И.Ш., шахсини тасдиқловчи хужжатлар маълумотлари (паспорт ёки унга тенглаштирилган хужжатлар) ва манзили;

юридик шахс реквизитлари;

банк реквизитлари.

29. Марказий депозитарий сотувчиларнинг қимматли қофозлари ташкиллаштирилган савдоларга депонентга қўйилганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўзаро муносабатлар регламентида ўрнатилган тартиб ва муддатларда ҲКПга электрон хужжат кўринишида тақдим этади.

30. ҲКП Марказий депозитарий ва хизмат қўрсатувчи банкдан олинган ахборотларни қайта ишлаб, савдо қатнашчиларининг пул маблағлари ва қимматли қофозлари депонентга қўйилганлиги тўғрисидаги маълумотларни электрон хужжат кўринишида савдоларнинг ташкилотчиларига тақдим этади.

31. Савдоларнинг ташкилотчиси ҳар бир савдо сессиясини ўтказгандан сўнг, рўйхатга олинган битишувлар реестрини электрон хужжат кўринишида ҲКПга тақдим этади.

32. ҲКП тақдим қилинган битишувлар реестри асосида етказиб берилиши лозим бўлган қимматли қофозлар сонини сотувчининг Марказий депозитарий савдо ҳисоб рақамидаги «савдоларга чиқариш ҳаракати тўхтатилди» бўлимидан «етказиб бериш ҳаракати тўхтатилди» бўлимига кўчириш учун Марказий депозитарийга топшириқи шакллантиради ва беради.

33. ҲКП фақат амалга оширилган битишив бўйича пул маблағларини ҳисобга ўтказгандан сўнг, Марказий депозитарийга битишив реестрида қўрсатилган қимматли қофозлар сонини ҳисобдан чиқаришга топшириқ бериш хуқуқига эга.

34. Битишувлар юзасидан клиринг ўтказилганидан сўнг ҲКП Марказий депозитарийга сотувчининг савдо ҳисоб рақамидан олувчининг савдо ҳисоб рақамига қимматли қофозларни ўтказиш, шунингдек хизмат қўрсатувчи банкка тўлов мақсадларида амалга оширилган битишувларнинг рақами ва санаси акс эттирилган ҳолда пул маблағларини ҲКПнинг талаб қилиб олингунча иккиласми депозит ҳисоб рақамидан сотувчининг тегишли банкдаги ҳисоб рақамига ўтказишга топширикларни шакллантиради ва беради.

35. ҲКП савдо қатнашчилари пул маблағларини клиринг ёки уларнинг қўрсатмалари асосида ҲКПнинг талаб қилиб олингунча иккиласми депозит ҳисоб рақамидан фақат уларнинг тегишли банклардаги ҳисоб рақамларига ўтказиш хуқуқига эга.

## V. Қимматли қофозларнинг қийматини тўлаш

36. Қимматли қофозларнинг қийматини тўлаш учун пул маблағларини сотувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш:

сотувчининг топширик (воситачилик) шартномаси ёки савдоларнинг ташкилотчисига берилган аризаси асосида сотувчи қимматли қофозлар қиймати пул маблағларини эркин конвертация қилинадиган валютада қабул қилиб олган ҳолларда — депонентга қўйилган пул маблағлари эркин конвертация қилинадиган валютада;

башқа ҳолларда — Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади.

37. Келиб тушган пул маблағларининг ҳисобини юритиш мақсадида ҲҚП инвестиция воситачиси, Марказий депозитарий ёки савдоларнинг ташкилотчиси томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида сотувчининг шахсий ҳисоб рақамини очади.

38. ҲҚПдаги савдолар қатнашчиларининг шахсий ҳисоб рақамлари бўйича пул маблағларини ўтказиш, савдолар қатнашчиларининг ташкиллаштирилган биржа ва биржадан ташқари савдоларда амалга оширилган битишувларнинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган хукуқ ва мажбуриятлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Пул маблағларини ўтказишга, битишувлар якуни бўйича ҲҚП аъзолари мажбуриятларини «тўловга қараб етказиб бериш» тамойилига мувофиқ белгилашга асос бўладиган савдоларнинг ташкилотчилари, депозитарийлар ёки ҲҚП аъзолари томонидан тақдим этилган шартномалар, топшириклар, ҳисботлар ва (ёки) бошқа хужжатлар асос бўлади.

39. ҲҚП ҳар куни хизмат кўрсатувчи банқдан ҲҚПнинг талаб қилиб олингунча иккиласми депозит ҳисоб рақамидан савдолар қатнашчиларининг шахсий ҳисоб рақамларига пул маблағларини ҳисобдан чиқариш ва ҳисобга олиш учун асос бўладиган кўчирмалар олади.

40. Агар қимматли қофозлар сотувчиси топшириқ (воситачилик) шартномасида ёки савдоларнинг ташкилотчисига берилган аризада эркин конвертация қилинадиган валютани қабул қилишга тайёрлигини тасдиқлаган бўлса, норезидентлар сотиб олинаётган қимматли қофозлар қиймати тўловини эркин конвертация қилинадиган валютадаги пул маблағларида амалга оширади.

41. Қимматли қофозлар сотувчиси қимматли қофозлар қиймати тўлови учун эркин конвертация қилинадиган валютани қабул қилишга рози бўлган тақдирда, сотувчи тегишли банкдаги тегишли ҳисоб рақамининг реквизитлари тўғрисидаги ахборотни, шунингдек савдолар ташкилотчисининг қоидаларида мувофиқ бошқа ахборотни ҳам топшириқ (воситачилик) шартномасида ёки савдоларнинг ташкилотчисига берилган аризада кўрсатади.

Воситачилик шартномаси асосида қимматли қофозларни сотиш қиймати эркин конвертация қилинадиган валютада қабул қилинса, инвестиция воситачиси савдоларнинг ташкилотчиси қоидаларида белгиланган тартибда комитетлар тўғрисидаги ахборотни очиши шарт.

42. Амалга оширилган битишувлар натижаси бўйича эркин конвертация қилинадиган валютада кўчириш лозим бўлган пул миқдорини ҳисоблаш битим тузилган кундаги Марказий банкнинг курси асосида амалга оширилади.

43. Эркин конвертация қилинадиган валютада амалга ошириладиган битишувлар асосида сотиб олинган қимматли қофозлар бўйича тўлиқ тўловлар норезидентлар томонидан миллий валютада амалга ошириладиган қимматли қофозлар билан битишувлар учун конунчилика белгиланган муддатларда амалга оширилади.

44. Норезидентларга эркин конвертация қилинадиган валютада сотилган қимматли қофозларнинг пул маблағлари тегишли банклар томонидан сотувчининг талаб қилиб олингунча иккиласми депозит ҳисоб рақамига улар томонидан қимматли қофозлар олди-сотди шартномаси (ёки битишув амалга оширилганлигини тасдиқловчи бошқа хужжат) нусхасини тақдим қилиш муддатигача ўтказилади.

Кўрсатилган хужжатлар тегишли банкка битишув ўтказилган санадан бошлаб етти иш кунидан кечиктирилмасдан тақдим қилинади.

45. Олди-сотди шартномасининг (ёки битишув амалга оширилганлигини тас-

+

дикловчи бошқа ҳужжатларнинг) нусхаси тақдим қилингандан сўнг пул маблағлари сотовчининг тегишли банкдаги хисоб рақамига ўтказилади.

46. ҲКПнинг талаб қилиб олингунча иккиласми депозит хисоб рақамидаги савдолар қатнашчиларининг пул маблағлари учинчи шахсларнинг талаблари, шу жумладан ҲКПнинг давлат ва суд органлари олдидағи мажбуриятлари бўйича талаблари қаноатлантирилмайди.

47. Жисмоний ва юридик шахслар ҲКП томонидан уларга ўтказилган пул маблағлари бўйича солиқ ва йифимлар, бошқа тўловларни мустақил равишда, қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширадилар.

## **VI. Хисоб-китоб-клиринг операциялари устидан назорат қилиш ва ҲКПнинг жавобгарлиги**

48. Хисоб-китоб-клиринг операциялари устидан қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи назорат қиласи.

49. ҲКП томонидан ўз мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш бўйича ички назорат тартиби ҲКП қоидаларида белгиланади.

50. Мазкур Низом, шунингдек қонунчилик талаблари бузилганлиги учун ҲКП белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ЭЛЕКТР  
ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**80**

**Электр ускуналарини эксплуатация қилишда хавф-  
сизлик техникаси қоидаларига ўзgartаришлар кири-  
тиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
22 февралда 1614-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 4 мартаң кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартаңдаги 96-сонли қарори билан белгиланган «Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлигини Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекциясига айлантириш тўғрисида»ги «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг вазифа ва функцияларига ҳамда ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сонли қарори билан тасдиқланган «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари»га мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Электр энергетикада назорат бўйича «Ўздавэнергоназорат» давлат инспек-

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

цияси ҳамда ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2006 йил 19 июлдаги 113/116-сонли қарори билан тасдиқланган (2006 йил 18 август, рўйхат рақами 1614 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил 33-сони, 337-моддаси) «Электр ускуналарини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари»ни XXIII бобини номланишидаги, 522 ва 526-бандларидаги «Ўздавэнергоназорат инспекцияси» сўзлари «энергия таъминоти ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсан, 522-бандида эса «хизмат сафаридағи ходимлар ҳуқуқлари билан» сўзлари чиқариб ташлансан.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтган кунидан бошлаб 10 кун давомида амалга киритилади.

**Электр энергетикада назорат бўйича  
«Ўздавэнергоназорат» давлат  
инспекцияси бошлиғи**

**Б. ФУЛОМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 2 февраль,  
30-сон

**Мехнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазiri в.б.**

**А. ХАИТОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 2 февраль,  
M-22-сон

+

**Келишилди:**

*Соғлиқни сақлаш вазири*

**Ф. НАЗИРОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 22 январь

**«Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик  
компанияси бошқарувининг раиси**

**Б. ТЕШАБОЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 30 январь

**Давлат архитектура ва қурилиши  
қўймитаси раиси**

**А. ТЎХТАЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 26 январь

**Давлат табиатни муҳофаза қилиши  
қўймитаси раиси**

**Б. АЛИХОНОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 24 январь

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

«Ўзстандарт» агентлиги бош директори

P. БҮРИЕВ

Тошкент ш.,  
2007 йил 12 январь

«Саноатконтехназорат» Давлат  
инспекцияси бошлиги

P. САИДОВ

Тошкент ш.,  
2007 йил 5 январь

«Ўздавнефтгазинспекция» Давлат  
инспекцияси бошлиги

P. ШЕРАЛИЕВ

Тошкент ш.,  
2007 йил 3 январь

ИИВ ЁХББ бошлиги

A. ИСЛОМОВ

Тошкент ш.,  
2007 йил 9 январь

«ORGRES» ОАЖ бошқаруви раиси

P. УМИРОВ

Тошкент ш.,  
2007 йил 15 январь

«Иссиқликэлектрлойиҳа» ОАЖ  
директори в.б.

C. МУСАНИФ

Тошкент ш.,  
2007 йил 18 январь

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

## **81 Норматив-хуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чи- қариш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
22 февралда 1284-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 4 мартаң кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилишда хўжа-  
лик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарорига мувофиқ 2006 йил 1 январгача бўлган  
даврда пудрат қурилиш ташкилотлари томонидан қурилиш техникаси ва асбоб-ус-  
куналар сотиб олишга йўналтириладиган маблағлари даромад (фойда) солигини  
хисоблаб чиқиша солик солинадиган базадан чиқарилиши белгиланган. Мазкур  
имтиёз учун белгиланган муддат ўтганлигини инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон  
Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идора-  
лар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш тўғрисида» 1997 йил  
9 октябрдаги 469-сон қарори ва «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъё-  
рий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил  
19 майдаги 197-сон қарорига асосан, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2003 йил 30 октябрда 1284-сон  
билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги,  
Давлат солик қўмитаси ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг «Пудрат  
қурилиш ташкилотларининг қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналарини сотиб олишга  
йўналтириладиган маблағларини даромад (фойда) солиги базасидан камайтириш  
бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида» 2003 йил  
14 октябрдаги 117, 2003-70 ва 5-сон қарори давлат реестридан чиқарилсин ва  
бу ҳакда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идора-  
лари норматив-хуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув кири-  
тилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси  
ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси мазкур ҳужжатнинг давлат реестри-  
дан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиши лозимлиги  
маълумот учун қабул қилинсин.

3. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси  
(С. Саттаров) ушбу норматив-хуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқарилганли-  
гини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши устидан назоратни таъмин-  
ласин.

4. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва хуқуқий ахборот бошқармаси (У. Аюбов)  
норматив-хуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпла-  
ми» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини  
таъминласин.

5. Мазкур бўйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринbosари Е. Канъязов зиммасига юклансин.

**Адлия вазири**

**Ф. ОТАХОНОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 22 февраль,  
35-мх-сон

+

-

**Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги маълум қилади:  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг  
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат  
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида  
2007 йил 10 февралдан 23 февралгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Илмий-техника ҳамкорлиги бўйича халқаро ва хорижий ташкилотлар ва фонд ҳамда халқаро битимлар грантлари доирасида чет элдан келтирилган пул маблағлари ва ускуналарга хуносаларни бериш тартибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантириши мувофиқлаштириши қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 30 январдаги 1, PA/12-06-14/10, 2007-10, 01/02/20-6-сон қарори.

**2007 йил 12 февралда 438-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 22 февралдан кучга киради).**

2. «Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 29 январдаги 15, 2007-12-сон қарори.

**2007 йил 12 февралда 1594-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 22 февралдан кучга киради).**

3. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларининг радиожиҳозларига Сертификат бериш бўйича йўрикномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиши давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 11 январдаги 5-сон буйруғи.

**2007 йил 12 февралда 1428-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 22 февралдан кучга киради).**

4. «Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўрикномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 8 январдаги 4, 2007-02, 01-02/8-2-сон қарори.

**2007 йил 13 февралда 589-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 23 февралдан кучга киради).**

5. «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солигини хисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўрикномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 18 январдаги 6, 2007-07-сон қарори.

*2007 йил 19 февралда 1238-6-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 1 мартаңан кучга киради).*

6. «Жисмоний шахсларнинг даромадиган солинадиган солиқни хисоблаб чиқариш ва бюджетта тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 31 январдаги 16, 2007-13-сон қарори.

*2007 йил 20 февралда 1110-6-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 2 мартаңан кучга киради).*

7. «Айрим турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланаётган юридик ва жисмоний шахслар учун қатъий белгиланган солиқни хисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 29 январдаги 14, 2007-09-сон қарори.

*2007 йил 20 февралда 1218-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 2 мартаңан кучга киради).*

8. «Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланаётган жисмоний шахсларнинг даромадидан қатъий белгиланган ҳажмларда олиниадиган солиқни хисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 29 январдаги 13, 2007-08-сон қарори.

*2007 йил 20 февралда 1230-5-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 2 мартаңан кучга киради).*

9. «Иккиласми бозорда эркин конвертация қилинадиган валютада амалга ошириладиган қимматли қоғозлар билан битишувларга хисоб-китоб-клиринг хизмати кўрсатиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиши маркази, Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил 29 декабрдаги 2006-17, 5, 283-В-сон қарори.

*2007 йил 22 февралда 1658-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 4 мартаңан кучга киради).*

10. «Электр ускуналарини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникиси қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Мехнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиши вазирлигининг 2007 йил 2 февралдаги 30, М-22-сон қарори.

*2007 йил 22 февралда 1614-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 4 мартаңан кучга киради).*

## II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. «Пудрат қурилиш ташкилотларининг қурилиш техникиси ва асбоб-ускуналарини сотиб олишга ўйналтириладиган маблағларини даромад (фойда) солиги базасидан камайтириш бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом». Ўзбекис-

+

-

тон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1284, 30.10.2003 й.).

Адлия вазирининг 2007 йил 22 февралдаги 35-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди. Буйруқ 2007 йил 22 февралда 1284-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 4 марта кучга киради).

Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-хуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

**III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:**

1. «Дороговнинг антисептик стимулятори препаратидан фойдаланиш қоидаси». Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Давлат ветеринария Бош бошқармаси бошлиги томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

—

+